

Аллоҳ бандасига танлаш ихтиёрини берган



11:30 / 15.11.2018 5722

Энди Қуръони каримда инсон ихтиёри масаласи қай тарзда ҳал қилинганини кўриб ўтайлик. Мушриклар ўзларининг ёмон ишларининг сабаби Аллоҳнинг иродаси ва хоҳиши эканлигини баҳона қилганларида, Аллоҳ таоло уларга қарата Қуръони каримда шундай деган:

عَلِمَ مَنْ عِنْدَكُمْ هَلْ قُلُّ بِأَسْكَانًا أَفْوَاحًا قَبْلَهُمْ مِنَ الَّذِينَ كَذَّبَ كَذَلِكَ شَيْءٌ مِنْ حَرَمِنَا وَلَا أَبَاؤُنَا وَلَا أَشْرَكْنَا مَا آتَانَا اللَّهُ شَاءَ لَوْ أَشْرَكُوا الَّذِينَ سَيَقُولُ

﴿١٤٩﴾ أَجْمَعِينَ لَهْدِنَاكُمْ شَاءَ فَلَوْ الْبَلَاءُ الْحَبِيحَةُ فَلِلَّهِ قُلُّ ﴿١٤٨﴾ تَحْرُصُونَ إِلَّا أَنْتُمْ وَإِنَّ الظَّنَّ إِلَّا تَنْبِهُونَ إِن لَنَا فَتْحٌ مُّجِهُ

«Ҳали ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик ва бирор нарсани ҳаром қилмас эдик», дерлар. Улардан олдингалари ҳам азобимизни татигунларига қадар шу каби ёлғонга чиқариб турганлар. «Ҳузурингизда бизга чиқариб кўрсатадиган бирон илм - ҳужжат

борми? Гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар алжирамоқдасиз, холос», деб айт. Сен: «Етук ҳужжат Аллоҳнинг Ўзидадир. Агар хоҳласа, ҳаммангизни ҳидоятга солар эди», деб айт» (Анъом сураси, 148-149-оятлар).

Ушбу оятдан очиқ-ойдин кўриниб турибдики, агар Аллоҳ таоло барча одамларнинг бир йўлда бўлишини хоҳласа, уларни тўғри йўлга бошлаган бўлар эди. Лекин одамлар муайян йўлга юришга мажбур эмаслар. Аллоҳ таоло ўз хоҳиши билан тўғрини нотўғридан, ҳақни ноҳақдан ажратиб, одамларга тушунтириш учун пайғамбарлар юборди ва одамларга истаган йўлига юриш ихтиёрини берди.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

فَلْيَكْفُرْ شَاءَ وَمَنْ فَلْيُؤْمِنْ شَاءَ فَمَنْ رَبِّكُمْ مِنَ الْحَقِّ وَقُلْ

«Сен: «Ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», дегин», дейилади (Каҳф сураси, 29-оят).

Аллоҳнинг хоҳиши одамларни тўғри йўлга бошлаш ва ёмон йўлдан қайтариш учун пайғамбарлар юборишда намоён бўлса, инсоннинг хоҳиши икки йўлдан бирини танлашда намоён бўлади. Қуръони каримнинг кўпчилик оятларида инсоннинг ихтиёри ўзида бўлиб, у қилган ишлари учун жавобгар эканлиги баён этилган. Агар инсон яшаётган жамиятда ёмонлик тарқаса, маишатида турли камчиликлар пайдо бўлса, буларнинг барчасига унинг ўзи сабабчидир.

Фуссилат сурасида Аллоҳ таоло айтади:

﴿الْعَبِيدِ بِظُلْمِ رَبِّكَ وَمَا فَعَلْتُمْ أَنْتُمْ وَرَبُّكُمْ وَرَبُّكُمْ وَمَنْ فَلْيُؤْمِنْ شَاءَ فَمَنْ رَبِّكُمْ مِنَ الْحَقِّ وَقُلْ

«Ким солиҳ амал қилса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қилса, ўзига зарар. Роббинг бандаларга зулм қилувчи эмас» (46-оят).

Қуръони каримда жамият ишини яхшилаш учун, ҳаётни фаровон, турмушни чароғон қилиш учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Аллоҳ таоло Раъд сурасида шундай марҳамат қилади:

يَأْتِيهِمْ مَا يُغَيِّرُونَ حَتَّىٰ يَكُونُوا كَالَّذِينَ لَا يَرْجُونَ إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

«Албатта, Аллоҳ бир қавмдаги нарсани, токи улар ўзларидаги нарсани ўзгартирмагунларича, ўзгартирмас» (11-оят).

Қуръони каримда келтирилган мазкур иборалардан очиқ-ойдин кўриниб турибдики, инсоннинг иродаси ва қилган иши савобга ёки азобга сабаб бўлар экан. Бу Ислом душманларининг «Ислом ўзига эргашганларни тараққиётдан қолдиради ва уларнинг ҳаётларини бузади», деган тухматлари ғирт ёлғон эканлигини кўрсатади.

“Иймон” китобидан